

Фикр дурдоналари (23-қисм)



10:03 / 04.04.2017 4483

116. Учта хато ҳаётимизда такрорланиб туради:

1. Вақтни зое қилиш.
2. Фойдасиз нарсалар ҳақида гапириш.
3. Аҳамиятсиз ишларга эътибор қаратиш.

Расулulloҳ соллалoҳу алайҳи васаллам: **"Ўзига фойдаси бўлмайдиган нарсани тарк этиш - кишининг исломи гўзаллигидандир"**, деганлар.

117. Хатоларингдан кўп нарсани ўрганишинг мумкин, модомики, уларни инкор қилиш билан машғул бўлмасанг.

118. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу дедилар: "Аллоҳ тақдирда битиб қўйган нарса ҳақида "Қанийди, ўша иш бўлмаганда" деганимдан кўра чўғни, то совигунча, тишлаб турганим мен учун маҳбубдир (яхшидир)".

119. Маҳзун бўлганингда сабр қил! Хурсанд бўлганингда шукр қил! Ғазабланганингда кечир! Ўтириб қолганингда (муваффақиятсизликка учраганингда) яна ўрнингдан тур (интилишда давом эт)!

120. Агар ёнингизга ғамгин одам келса, жим туриб, уни тингланг! Агар ёнингизга узр сўровчи келса, уни кечиринг! Агар ёнингизга муҳтож киши

келса, унга инфоқ қилинг!

*Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги “Роваиъул фикр” (Фикр дурдоналари),
“Ховатир роқия” (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.*

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси